

---

Ўзбекистон туманида “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан мингдан зиёд фуқароларга моддий кўмак кўрсатилди

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган “Саховат ва кўмак” жамғармаси кам таъминланган фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон тумани “Махалла” хайрия жамоат фонди ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан мингдан зиёд фуқароларга моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Хусусан, ноябр ойининг ўзида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 172 та оилалар вакиллари даволаниб, соғлигини тиклаб олишлари учун 62 млн 300 минг сўм миқдорида моддий ёрдам пуллари ажратилган.

Жамғарма ҳисобидан тумандаги кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож ва бетоб оилаларни қўллаб-қувватлаш тадбирлари давом этмоқда.





